
Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан байрам табриги

Ассалому алайкум, азиз устозлар! Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!

Барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Дунёда шундай касб эгалари борки, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Сиз азизлар эса ҳаётимиз чароғбонларисиз.

Ҳаёт бор экан, ўқитувчилик касби ўзининг маъно-мазмуни ва олижаноблигини, аҳамияти ва ҳурмати ҳеч қачон йўқотмайди. Сиз борсизки, ҳаётимиз нурафшон, эртанги кунимиз — фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ.

Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда Сизларга куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга бахту саодат, файзу-барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, азиз устозлар!

Сизларга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан

Шерзоджон Юлдашев

Ўзбекистон тумани ҳокими

2021-09-30 21:56:29